

«Ўзкимёсаноат» корхоналарида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари

// 24.08.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-korhonalarida-kuz-qish-mavsumiga-tayyorgarlik->



«Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхоналарини 2026–2027 йиллар куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлаш мақсадида марказий комиссия тузилиб, ҳар бир корхонада зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.



Белгиланган режалар асосида муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларида капитал ҳамда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, **13,3 км электр тармоғи, 900 метр иссиқлик ва 300 метр сув таъминоти тармоқлари, 100 метр газ тармоғи** таъмирланди. Шунингдек, **27 та трансформатор подстанцияси ва 5 та қозон** таъмирдан чиқарилди.





Қўшимча равишда, иссиқлик тизимларида **1 266 м² изоляция ишлари**, 14 та газ тақсимловчи пункт ревизияси, **9 966,2 м² том қопламаларини таъмирлаш**, 680,1 м² дераза ойнаси ўрнатиш ҳамда 4 395,1 погон метр темир йўлларни таъмирлаш ишлари бажарилди.

Қўрилган чоралар корхоналарнинг электр, газ, сув ва иссиқлик таъминотини ишончли ташкил этиш, авариявий ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг куз-қиш мавсумида барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлашга қаратилган.